



Лутфи ҳақ бўлса, гадолар подшога айланур,
Каҳр килса, подшолар бенавога айланур.

Водийи хайратда колган гумрахи саргаштага,
Бир назар килса, Худойим, рахнамога айланур.

Гар тажалли килса, авф фазлида коми билан,
Заҳри афъо малхам ўлуб, мўмиёга айланур.

Дайр хуффошига гар килса, иноят шул замон,
Шахбози арш ўлуб, балки хумога айланур.

Раҳм килса бистари маргузра ёткан хастага,
Хар мариз бўлса, вужудида шифога айланур.

Солса туз йўлга агар хижрон била огуштани,
Пешвойи халк бўлуб, соҳиб дуога айланур.

Ким наби шаръини маҳкам тутди ул Жибрийилдек,
Махрами даргоҳ бўлуб, нури Худога айланур.

Кимнинг асли пок бўлса, бокмагил кирдорига,
Охири шаръи набийдек Мустафога айланур.

Берса ожизларга қувват, пашша бўлса ҳамда мур,
Пашша фил бўлгай, даги мур аждахога айланур.

Хоки по бўл, Уммато, мардлар даргохида,
Бир назар килса алар мис кимёга айланур.

Шарх: Лутфи ҳақ бўлса...

Аллох марҳамат ва раҳмат назари ила боқар экан, гадонинг подшога айланишига шубҳа йўқ. Яратганнинг қаҳрини келтирган подшо эса хору зор бўлиши айна ҳақдир. Хайрат водийси узра саргардон, гофилу гумрох банданинг раҳматга эвирилиши ҳам ҳеч гап эмас. Бунингчун Аллохнинг заррачалик раҳмати қифоя. Гаффорнинг лутфи жилва этиб турар экан, илоннинг захри шифобахш мўмиёга айланиши бешақдир. Дунёнинг ҳақир бир жонзоти кўршапалак Яратганнинг илтифотиға муяссарлик рутбасини топса, арш гирдида лочин қаби парноз этар, бахт кушиға айланар. Худо тўшағига миҳлапгап бедаво хастаға раҳм килса, касалликнинг ўзи бу вужуднинг шифоси бўлади. Хиҷрон олови билан коришган, йўлсиз, номсиз бир кимсани У тўғри йўлга йўллар экан, йўлсиз кимса йўлбошчиға, халкнинг суянган раҳбарига айланур. Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) келтирган шариатни ким маҳкам тутса Жаброили аминдек Аллохға яқинлик ҳосил қилади. Қайси бошғаки саодат тожи бичилган экан, у алалоқибат Сарвари коинот набий (с.а.в.) йўлининг йўлчиси бўлади. Зеро пашша ва чумоли қаби ожиз жонзотлар ҳам, агар Аллох қувват берса, филу аждахога айланиши бешақдир. Эй шоир Уммат, тақво эгалари оёгининг тупроғи бўлки, улар Аллохға яқин зотлардирлар.

Раҳматуллох Носирнинг
"Соз билан суҳбат" китобидан